



ИШОНЧЛИ ВАКИЛ УЧРАШУВИ

МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШГА ИНТИЛИШНИ Қўллаб-қувватлаш лозим



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД
ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ
ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИДАН БИРИ
ҲАЙДАР БОБОХОНОВ ТОШКЕНТ
ҚУРИЛИШ-КОММУНАЛ КАСБ-
ХУНАР КОЛЛЕЖИДА УЧТЕПА
ТУМАНИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН
УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ.

ИШОНЧЛИ ВАКИЛ ДАСТЛАБ
САЙЛОВЧИЛАРНИ НОМЗОДНИНГ
ТАРЖИМАИ ҲОЛИ БИЛАН
ТАНИШТИРДИ. СЎНГРА
НОМЗОДНИНГ ДАСТУРИДА
ИЛГАРИ СУРИЛГАН МАҚСАД ВА
ВАЗИФАЛАР, УЛАРНИНГ
АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА СЎЗ
ЮРИТДИ.

2

ЎзХДП БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА

■ ФАРФОНА ВИЛОЯТИ ТОШЛОҚ
ТУМАНИДАГИ ЭНГ ЙИРИК БОШЛАНҒИЧ
ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДАН БИРИГА
КИРИБ БОРГАНИМИЗДА АХБОРОТ-
МАЪРИФАТ ХОНАСИДА ОДАМЛАР
ГАВЖУМ ЭДИ. ТЕЛЕВИЗОРДА
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
НОМЗОД ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ
ФАРФОНАЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН
УЧРАШУВИ НАМОЙИШ
ЭТИЛАЁТГАНДИ.

Президентликка номзод Ҳотамжон Кетмоновнинг дастури қўллаб-қувватланмоқда



2

Ҳотамжон Кетмоновнинг дастурида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд қарорлари ижроси сифатини ошириш бўйича чора- тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланган.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар сиёсий партияларнинг ҳисоботларини эшитди

13 март кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Конституциявий ваколатларга кўра, депутатлар сиёсий партияларнинг 2014 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитдилар. Мазкур масала бўйича мамлакатимиздаги барча сиёсий партияларнинг раҳбарлари, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Х.Кетмонов сўзга чиқди.

Мажлисида сўнгги йилларда муҳим давлат, Ўзбекистон Республикаси парламенти фаолиятига доир масалаларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири сезиларли даражада кучайганилиги таъкидланди. Сиёсий партияларни ривожлантиришнинг умумқабул қилинган демократик стандартларга ва мавжуд халқаро нормаларга тўла мос бўлган ишончли ҳуқуқий негизи барпо этилди. Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадларини илгари суриш ва амалга ошириш, электрат манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча имкониятларга эга эканлигини яна бир бор намоён этди. Сайлов кампаниясининг

барча босқичларида сиёсий партиялар учун тенг шарт-шароитлар яратилди.

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунга кўра, ҳар бир партия, агар парламент сайлови якунларига кўра Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ўз фракциясини шакллантириш учун зарур миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритса, ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга. Давлат маблағларининг ҳажми Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов натижасига кўра белгиланиб, маблағлар уларни олиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида Қонунчилик палатасида қўлга киритган депутатлик ўринлари сонига мутаносиб равишда тақсимланди.

Мамлакатимизда сиёсий партияларни молиялаштириш қонунийлик, очиклик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлиги принциплари асосида амалга оширилди. Қонунга кўра, барча сиёсий партиялар ўз фаолиятини молиялаштириш ҳажми ва манбалари тўғрисидаги ахборотни ўз вақтида эълон қилиши шарт бўлиб, шунга асо-

сан барча сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ахборотдан ўз аъзолари ва жамоатчилик фойдаланиши учун имкониятни таъминлаб берди.

Мажлисида Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар молиявий ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этганликлари ҳам қайд этилди.

Депутатлар фикрича, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий кадрлар ресурслари ўз дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли, бу ресурсларнинг ошкоралиги ва қонунийлиги, доимо жамоатчилик назорати остида бўлиши жуда муҳимдир.

Депутатлар муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда сиёсий партияларнинг 2014 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларни маълумот учун қабул қилди.

Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати маълумоти
асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2015



29 МАРТ

15

КУН ҚОЛДИ

Ҳиндистонлик экспертлар:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЮКСАК ДЕМОКРАТИК ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРУВЧИ МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИ МАВЖУД»

■ Яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ҳиндистон жамоатчилиги томонидан диққат билан кузатиб борилмоқда.

Хусусан, «Ҳиндистон-МДХ» савдо-саноат палатаси бош қотиби Жйотсна Дюбе Чоудхури хоним «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирига қуйидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилди:

— Ўзбекистон истиқлол йиллари давомида фаол ривожланаётган, саноатлашган давлатга айланди. Энергетика, автомобилсозлик, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги, туризм ва бошқа соҳалар жадал ривожланди, мамлакатнинг экспорт имкониятлари ва йўналишлари кенгайди.

Мен ҳар гал юртингизга ташриф буюрганимда кўплай ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Мисол тариқасида янги қурилган муҳташам иншоотлар, кўчалар ва кўприклар, мактаб ва санъат биноларини келтириш мумкин.

Фикримча, 29 март кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Президенти сайлови мамлакатнинг янада тараққий топиши йўлидаги навбатдаги босқичдир.

«Political Events» журнали сиёсий шарҳловчиси Мохан Кришнен Дхар:

— Мен ўтган йили юртингизда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этдим ҳамда пойтахтдан ўзоқда жойлашган бир неча ҳудудларда овоз бериш жараёнини бево-сита кузатдим. Шу билан бирга, кўплай сайловчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларга муносабати ижобий эканлиги ҳамда фуқароларнинг порлоқ келажакка бўлган ишончининг кучлилигига амин бўлдим.

Ишонамани, мустакил тарзда фаолият олиб боровчи Марказий сайлов комиссияси бўлажак Президент сайлови очик-ошкора, холислик ва шаффофлик муҳитида ўтишини тўла таъминлай олади.

Жамия Миллия Ислония университети Халқаро тадқиқотлар академиси профессори Рашид Дорасвами хоним:

— Ўзбекистонда мустакил йилларида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳалар изчил ривожланиб бориши натижасида умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб бе-

рувчи миллий сайлов тизими шаклланди.

Мен 2007 йилда юртингизда бўлиб ўтган Президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этганман. Эрта тондан бошлаб ёш кексанинг сайлов участкасига келиб, навбат билан ўз танлаган номзодига овоз бериш жараёнини кузатиш жуда қизиқарли бўлганди ўшанда.

Ўзбекистон демократик кадриятлар ривожланиб, фуқаролик жамияти институтлари фаоллашиб бораётган давлатлар сирасига қиради. Мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа саналмиш сайловларнинг кўппартиявийлик асосида, тенг курашлар ва холис рақобат остида очик ва ошкора ўтиб келаётгани фикримнинг далилидир.

Уйлайманки, бу галги сайлов ҳам барча демократик андозаларга мос ҳолда ўтиши билан мамлакат ҳаётидаги тараққийнинг янги босқичини бошлаб беради.

Бал Рам Саини, БРИКС савдо-саноат палатаси раиси:

— Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тўғри, пухта ўйланган йўлини таллаб олган санокли давлатларнинг бири саналади.

Юртингизда иқтисодиётнинг модернизация қилишнинг муҳим шартларидан бири сифатида қулай инвестицион муҳит яратиш ва хорижий сармояларни жадал ўстиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар ҳиндистонлик ишбилармонларни ҳам бефарқ қолдиргани йўқ. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўзаро ҳамкорликда ишлаётган 60 дан ортиқ корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 20 га яқини 100 фоизлик ҳинд тадбиркорлари маблағи асосида фаолият юритаётгани эътиборга молик.

Мустикаллик йилларида мамлакатингизда сайловларни эркин ва ошкора ўтказилиши таъминловчи ҳуқуқий асос яратилди. Шу билан бирга, фуқароларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ошди. Фикримча, бўлажак Президент сайловида бу жараёнларнинг ёрқин мисолини кўрамиз.

«Жаҳон» АА,
Деҳли.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Президентликка номзод
Ҳотамжон Кетмонов
қашқадарёлик сайловчилар
билан учрашди

■ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида
«Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий
қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси
доирасида тадбир ўтказилди

ИШОНЧЛИ ВАКИЛ УЧРАШУВИ

Муносиб ҳаёт кечиришга интилишни қўллаб-қувватлаш лозим

— Дастурда, энг аввало, мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий муҳофаза ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этиш, ички ва ташқи сиёсатни изчиллик билан давом эттиришга эътибор қаратилган, — деди у. — Бундан ташқари, дастурда аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириб бориш, муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини тақдим этаётган корхоналарда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган саноат-ҳаракатларни янада фаоллаштириш, касб-ҳунар коллежлари биттирувчиларига имтиёзли микрокредитлар тақдим этиш каби масалалар белгиланган. Номзоднинг дастурида илгари



Фаррух Алиев олган суратлар.

сурилган ҳар бир таклиф ўзининг чуқур ҳаётий асосларига эга. Улардан кўзланган асосий мақсад одамларнинг ишлашга, муносиб ҳаёт кечиришга интилишини қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Бу ҳар биримизнинг оиламиз, яқинларимиз турмуши фаровонлигига хизмат қиладиган омиллардир.

Учрашувда сўзга чиққанлар номзоднинг дастури бугунги

ҳаётига тўла мос келишини таъкидлаб, сайловчиларни Хотамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Нилуфар МАТЕКУБОВА, Учтепа туманидаги 228-мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари:

— Партиямиз ислохотлар чуқурлашиб, бозор иқтисодиёти тамойиллари изчил жо-

рий қилингани сари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳам такомиллашиб бориши зарур, деб ҳисоблайди. Бу мақсад номзоднинг дастурида яққол акс этган. Хусусан, дастурда муҳтож оилаларга ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратилган. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бокимандалик кайфиятини тугатишга йўналтириш,

фақат кам таъминланган оилалар, кекса кишилар ва болаларга моддий ёрдам ва нафақа маблағлари бериш чораларини кўриш тақлиф қилинган.

Эътиборли жиҳати, номзод ўз дастурида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларнинг бу борадаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам кенг ўрин қаратган. Бу таклифлар тараққиётимизнинг бугунги босқичида жуда долзарб аҳамиятга эга.

Жаҳонгир КОСИМОВ, Учтепа туманидаги «Богобод» МФЙ раиси:

— Мен номзоднинг дастуридаги давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизими билан боғлиқ йўналишларга эътибор қаратмоқчиман.

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни одил судлов тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Электратимиз ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашда мустақил суд ҳокимияти-

нинг ўрни ниҳоятда катта.

Хотамжон Кетмонов ўз дастурида ижтимоий ҳаёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, қонунчиликни янада такомиллаштириб бориш зарурлигини таъкидламоқда. Жумладан, суд ҳужжатлари ва хабарномаларини етказишнинг замонавий услубларини жорий этиш, шулар орқали суд билан боғлиқ процессуал механизмларни такомиллаштириш тақлиф этилмоқда.

Бундан англаш мумкинки, номзод суд-ҳуқуқ соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқини кафолатлаш, айниқса, кам таъминланган аҳоли қатламларининг судга мурожаат қилиш, суд орқали ҳимоялаш имкониятини кенгайтиришни назарда тутаяпти.

Учрашув сўнггида номзоднинг ишончли вакили сайловчиларни Хотамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕПУТАТ ФИКРИ!

Шу кунларда парламент қўйиш палатасида «Электрон тижорат тўғрисида»ги (янги таҳрирда) қонун лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси экспертлар, малакали мутахассислар ва ушбу соҳада фаолият юритаётган амалиётчилар иштирокида муҳокама қилиниб, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ РИВОЖЛАНСА, ҲАММАГА ҚУЛАЙ



Нўмон АКБАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, электрон тижоратни қонунчилик асосида тартибга солиш мақсадида 2004 йилда «Электрон тижорат тўғрисида»ги, 2005 йилда «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган.

Ўтган вақт мобайнида ахборот технологиялари, иқтисодий жараёнлар ривожланди. Электрон тижоратнинг янги-янги имкониятлари очилди. Шунинг учун мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солиш меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, янада такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Янги таҳрирдаги «Электрон-тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси шу мақсадда ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат парламентда депутатлар, мутахассислар томонидан қизгин муҳокама қилинапти, турли фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдириляпти.

Электрон тижорат ривожланиши учун янги ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва техник шароитлар яратиб бериш — долзарб масала. Қонун лойиҳасининг муҳим хусусиятларидан бири электрон шартномаларни расмийлаштириш ва ижро этиш жараёнларини энгиллаштиришдан иборат.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш керакки, электрон тижорат тизимида маблағлар тез айланади, молиявий операциялар қисқа фурсатда бажарилади. Бу корхона-ташкilotлар, тадбиркорлик субъектларининг, умуман, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Натижада ишчи-ходимларнинг моддий таъминоти яхшиланади, пул маблағлари айланишининг тезлашуви эса партиянинг электроти вакилларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида олиш бўйича имкониятлари кенгайди. Бир сўз билан айтганда, электрон тижорат ривожланиши нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, тўлов тизимининг самарадорлигини ва ўз вақтида амалга ошишини таъминлайди. Бундан, ўз навбатида, иқтисодиёт этишидан аҳоли, халқимиз катта наф қўради.

Қонун лойиҳасида электрон тижорат истиқболи билан бирга, ахборот соҳаси ривожланиши масаласи ҳам эътиборга олинган. Жумладан, унда телекоммуникация тизими операторлари, банк, электрон танлов, аукцион ва ярмаркалар ташкил этиш билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг истиқболга оид нормалар ўз аксини топмоқда.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг Президент сайловига тайёргарлик кўриш юзасидан олиб бораётган ишлари ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

САЙЛОВ — 2015

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида сайловда илк марта иштирок этадиган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бағишланган семинар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

Шундай тадбирлардан бири — Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Унда округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Ч.Қурбонов ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва ўзгаришлар сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирокини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Шу йилнинг 29 мартида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сурхондарёлик саккиз мингдан ортиқ ёшлар илк марта овоз беради.

— Бўлажак сайлов арафасида Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқимдан фойдаланиб, порлоқ келажагимиз учун овоз бериш имкониятига эга бўлаётганимдан хурсандман, — дейди Термиз шаҳридаги 2-академик лицей ўқувчиси Н.Обидова. — Бу йил академик лицейни тугатиб, олий ўқув юртига ҳужжат топширмаман. 29 март кuni бўлиб ўтадиган сайловда менинг овозим ҳам биз, ёшларнинг келгусидаги осуда, фаровон турмушимизни белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканини яхши биланман. Бинобарин, сайлов кuni бахтли ҳаётимиз учун овоз бераман.

Давра суҳбатида олим ва ҳуқуқшунослар миллий сайлов қонунчилигимиз, сайловнинг мазмун-моҳияти, юртимиздаги тинчлик ва фаровонлиқни таъминлашдаги аҳамияти, овоз бериш тартиб-таомиллари хусусида ёшларга кенг маълумотлар берди.

Тадбирда ёшларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрафлича жавоб қайтарилди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.

ЎЗХДП БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Президентликка номзод Хотамжон Кетмоновнинг дастури қўллаб-қувватланмоқда

— Фарғонадаги учрашувда жуда жонли ва қизиқarli суҳбат бўлган эди, — дейди **бошланғич партия ташкилоти раиси Собиржон Каримов**. — Шунинг учун ўша учрашув тафсилоти туширилган кўрсатувни ёзиб олиб партия аъзолари, электроти вакилларига улар учун қулай пайтларда намойиш этмоқдамиз. Хотамжон Кетмоновнинг дастурига қизиқиш ортмоқда. Кўрсатув намойишидан сўнг йиғилганлар орасида муҳокама, қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтаяпти. Натижа шуки, номзоднинг дастурини қўлловчилар сафи ва ЎзХДП ғоялари тарафдорлари кенгаймоқда. **Сайлов жараёни бошланганидан буён бошланғич партия ташкилотимиз сафи 12 нафар аъзога кўпайди.**

Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмасидаги мазкур бошланғич партия ташкилоти 320 нафар аъзони бирлаштирган. Унинг фалоллари ўз ҳудудларида ЎзХДП ғоялари ва Президентликка номзоднинг дастурини тарғиб қилиш

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.

мақсадида сайловчилар билан давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келмоқда. Юқумли, касалликлар шифохонаси бош врач **Раҳмонали Ахмадалиев** халқ депутатлари Тошлоқ туман Кенгашига ЎзХДПдан депутат этиб сайланган. У бошчилик қилаётган жамоада 58 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилади. Уларнинг 49 нафари партиямиз аъзоси.

— Президентликка номзод Хотамжон Кетмоновнинг дастурини жамоа аъзоларимиз билан бирга ўрганиб чиқдик, — дейди **Раҳмонали Ахмадалиев**. — Ундаги устувор вазибалар, мақсад ва режалар халқчил, аҳолининг барча қатлами манфаатига мос. Ижтимоий ҳимояни бозор тамойилларига таяниб амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш, боқимандалик кайфиятини бар-тараф этиш, фаол ҳаёт тарзини қўллаб-қувватлаш каби йўналишларни барчамиз қўллаб-қувватладик.

— Президент сайловида биринчи марта иштирок этадиган ёшларга катта эътибор қаратаёلمиз, —

дейди **шифохона бўлим мудир Гули Маматқомилова**. — Дастлаб сайлов участкаси билан бирга сайловда илк бор катнашадиган Барнохон Василжонов, Мархабо



Мухаммад Кодиров олган суратлар.

Тўланбоева, Гулноза Исроилова, Гулҳаё Махмудова, Шохиста Раҳматуллаева, Муаззам Тилаволдиева каби бир гуруҳ ёшлар билан уларнинг сайлов ҳуқуқлари тўғрисида суҳбат ўтказдик.

— Иш жойимга бошланғич партия ташкилотидан

ўзим каби сайловда биринчи бор иштирок этадиган тенгдошларим билан танишдим. Бизга Президент сайлови тўғрисидаги қонун ва унга киритилган ўзгартиш, қўшимчалар, сайловчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тўғрисида маълумот бериш-

дастурини қўллаб-қувватлашга қарор қилдим, — дейди суҳбатга қўшилган **Шохиста Раҳматуллаева**. — Тенгдошларимни ҳам шунга даъват этмоқчиман.

Мухаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Давлат дастури ижроси устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилиши — долзарб масала

■ Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистлар ижодий уюшмаси, шунингдек, бошқа қатор ҳамкор ташкилотлар билан бирга илмий-амалий конференция ўтказди.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури амалга оширилиши юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзусида ўтган тадбирда Давлат дастурида белгиланган устувор вазибалар, амалга оширилаётган ислохотларни ОАВ орка-

ли тезкор, сифатли ҳамда атрафлича ёритиш ҳақида қўллаб-қўрғатувчи органлари, нодавлат тижорат ташкилотларнинг Давлат дастури ижроси бўйича масъулиятини ошириш, самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш, жур-

налистларнинг касб маҳоратини такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Илмий-амалий конференцияда **Маданият ва спорт ишлари вазирлигиндан Дилфуза Қаршибоева, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясидан Абдумажид Каримов, Адлия вазирлигиндан Фуркат Жалилов** ва бошқалар ҳар бир кексага етарли эътибор қаратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш, уларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини

янги босқичга кўтариш, ёши улуг кишилар учун мулоқот марказлари очиш масалалари бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Телевидение, радио, кинотеатр, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда янги махсус кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар яратиш ҳамда бундай дастурларни намойиш этиш ҳажминини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ушбу масалаларда журналистлар зиммасида катта масъулият тургани, Давлат дастури ижроси бўйича жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйишда уларнинг фаоллиги, профессионал ёндашуви муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

Конференцияда мавзу юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мукаррам РАСУЛЖОНОВА

■ ОВОЗ БЕРИШ ТУГАГУНИГА ҚАДАР САЙЛОВ ҚУТИЛАРИНИ ОЧИШ ТАҚИҚЛАНАДИ. ФОЙДАЛАНИЛМАГАН БАРЧА САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИ САЙЛОВ ҚУТИЛАРИНИ ОЧИШДАН ОЛДИН УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН САНАБ ЧИҚИЛАДИ ВА БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



■ ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА САЙЛОВЧИНИНГ БИТТАДАН ОРТИҚ КВАДРАТГА БЕЛГИ ҚЎЙИЛГАН ЁКИ БИТТА ҲАМ КВАДРАТГА БЕЛГИ ҚЎЙИЛМАГАН БЮЛЛЕТЕНЛАР ВА ВАРАҚАЛАРИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС, ДЕБ ТОПИЛАДИ.

■ 29 — МАРТ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

ИШОНЧЛИ ВАКИЛ

сайлов кампаниясининг муҳим иштирокчиси

■ Мамлакатимизда Президент сайловининг муҳим босқичларидан бири — сайловолди ташвиқоти жараёни давом этмоқда. Шу кунларда сайловолди тарғиботи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари сайловчилар билан учрашапти.

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди Шавкат НАЗАРОВ билан ишончли вакил институтининг сайлов жараёнидаги ўрни, мақсад ва вазифалари ҳақида суҳбатлашдик.

— Сайловлар бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг демократияга асосланганини намойиш этадиган, ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқ ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокчилигини асосий шакли ҳисобланади, — дейди у. — Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш борасида кенг қўлмалли ишловлар амалга оширилди. Айниқса, 2003 ҳамда 2008 йилларда Конституциямиз ва «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлоvi тўғрисида»ги қонунга киритилган тегишли ўзгариш ва қўшимчалар миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашуви, сайловларнинг қонун талаблари ва умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базасининг шаклланишига хизмат қилмоқда.

Ишончли вакил институтининг мақсад-вазифалари нималардан иборат?

— Бир масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимки, Президент сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган мутлақ ваколатлар Марказий сайлов комиссиясига берилган. Бу эса ривожланган демократик

давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайди.

«Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонуннинг тўртинчи боби сайловолди ташвиқоти, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари ҳамда Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари бағишланган бўлиб, айнан, 29-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ишончли вакиллари ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланган.

Унга қўра, Президентликка номзод 15 нафарга қадар ишончли вакилларга эга бўлишига ҳақлидир.

Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, унинг Ўзбекистон Республикаси Президентини этиб сайлашни учун тарғибот ишларини олиб боради. Давлат ва жамоат ташкилотлари, сайлов комиссиялари билан бўладиган муносабатларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг тақдимномасига қўра, ишончли вакиллари Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олади ҳамда уларга тегишли гувоҳномалар беради.

Бизнинг қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг биринчи иштирокчиси учун қандайдир алоҳида имтиёз ва префе-



Хурсандбек АРАБОВЕВ олган сурат.

ренциялар берилмаслиги белгилаб қўйилган. Шу боис ишончли вакиллар фақат қонунда белгиланган ваколатлардан фойдаланиши талаб этилади.

— Айтингчи, ишончли вакиллар қандай ҳуқуқларга эга? Уларга нималар таққиланади?

— Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари Президентликка номзод номидан сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга.

Президентликка номзоднинг ишончли вакиллари ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари — бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб берилиши таққиланади.

Шунингдек, овоз бериш кўнига қадар қолган беш кун ичида ҳамда овоз бериш кўни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва

ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш, шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига, хусусан, интернетга жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Бизнинг

қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг биринчи иштирокчиси учун қандайдир алоҳида имтиёз ва преференциялар берилмаслиги белгилаб қўйилган. Шу боис ишончли вакиллар фақат қонунда белгиланган ваколатлардан фойдаланиши талаб этилади.

Шу билан бирга, агар сиёсий партия у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси

Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан етти кун қолганда бекор қилса ёки Президентликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия фаолиятини тугатган тақдирда ёхуд номзод сайловга кечи билан етти кун қолганда номзодликдан воз кечса, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан махрум этилиши мумкин.

Бундай ҳолларда ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакиллари ҳам ваколатларини соқит қилади. Яъни, Марказий сайлов комиссияси ишончли вакилларнинг ваколатларини бекор қилиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари сайлов комиссияларига аъзо бўлиши мумкин эмас.

Ривожланган демократик давлатларда Президент сайловларида ишончли вакиллардан фойдаланиладими? Бу борадаги дунё тажрибаси ҳақида гапириб берсангиз.

— Дунё тажрибасини ўрганидан бўлсак, турли ҳолатларнинг гувоҳи бўламиз.

■ «VIII BANKEXPO-2015»

■ Пойтахтимиздаги Кўргазма Савдо марказида Республика Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон банклар Ассоциацияси, Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Банк хизматлари ускуналари ва технологиялари VIII BankExpo-2015» миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Замонавий банк ютуқлари намоиши

Миллий кўргазмада мамлакатимизнинг барча тижорат банклари, Лизинг берувчилар ассоциацияси, етакчи сугурта компаниялари ҳамда ахборот технологиялари компаниялари иштирок этишди.

Кўргазма давомида давра суҳбатлари, семинарлар, тақдимотлар, учрашувлар, мастер-класслар ташкил этилди. Шунингдек, тижорат банклари кўргазмага таъриф буюрган аҳоли, тадбиркор ва ёшларга кўрсатилган янги хизматлар, хусусан, янги кредит ҳамда депозит маҳсулотлари тўғрисида тақдимот маросими ўтказишди.

IT (Ахборот технологиялари) компанияси ходимлари томонидан эса банк маркетингининг янги йўналиши — лидогенерация, яъни миқозларни интернет орқали жалб этишнинг замонавий усуллари, миқозлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни такомиллаштиришнинг янги услуби — CRM тизимини жорий этиш мавзусларида семинарлар ўтказишди.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан чекка ва

аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш микрофирмалари, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, эндигина иш бошлаётган ёш тадбиркорларнинг иш билан бандлигини таъминлаш кўзда тутилган лойиҳалари бўйича ўтказилган танлов голиблари га имтиёзли кредит ажратиш ҳўқуқини берувчи 200 дан ортиқ сертификат топишириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

— Кўргазмада банкчимиз ўз маҳсулотлари ва хизматларини акс эттирувчи стендлари билан иштирок этмоқда, — дейди «Трастбанк» хўсусий акциядорлик биржа банки ўринбасари Николай Давиденко. — Шунингдек, банк-молия муассасалари ва миқозлар ўртасидаги муносабатларни юқори поғонага олиб чиқувчи «Траст-мобайл» ахборот дастурини тақлиф этмоқдамиз. Мазкур хизмат юридик шахслар ва яқна тартибдаги тадбиркорлар учун мобил банкнинг янги йўналишидир. Миқозлар мобил қўрилмалари кўмагида «Траст-мо-

байл» хизмати орқали банкдаги ўз ҳисоб варақларига осон кичиб, уларни мустақил бошқариш мумкин. «Траст-мобайл» хизматидан фойдаланиш учун «Трастбанк» орқали «Интернет-банк» тизимига уланш, мазкур банк хизматидан фойдаланиш ҳақида шартнома имзолаш ҳамда дастурий таъминотни мобил қўрилмасига қўришиш ва жойлаштириб олиш талаб этилади.

— Кўргазмада иштирокчилар учун банкчимиз томонидан банк фаолияти, янги хизматлар турлари, хусусан, мобайл — банкинг, депозит банк ячейкалари ҳамда Global money week (GMW) ҳафталиги бўйича тайёрланган тақдимотлар ўтказилди, — дейди АТБ «Hamkorbank» департаменти раҳбари Азиза Ибрагимова. — Мазкур кўргазманинг ташкил этилиши нафақат миқозларимиз учун, балки тижорат банкларининг ўз фаолиятларини янада такомиллаштиришлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Журналистика соҳасида «ОЛТИН ҚАЛАМ» X МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

■ Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистлари қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда таққидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» X Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3-май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кўнига бағишланган бу танловга 2014 йилнинг 31 мартидан 2015 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатишган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2015 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов голиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган: Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.

Голиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул мукофоти билан таққирланади.

Асосий мукофотлар: Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар). Биринчи ўринни олган голиблар

диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорда пул мукофоти билан таққирланади.

Иккинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорда пул мукофоти билан таққирланади.

Учинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул мукофоти билан таққирланади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар: энг яхши фоторепортаж; энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар голиблари диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорда пул мукофоти билан таққирланади.

«Олтин қалам» танлови голибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳўзўридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондунинг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Мисол учун, Францияда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади. Президентликка олишни эса Конституциявий кенгаш бажаради. Яъни, ушбу кенгаш марказий сайлов комиссияси вазифасини ўтайди. Мазкур давлат қонунчилигида Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари ҳақида аниқ норма мустаҳкамланмаган.

Россия Федерациясида Президент сайловларида ишончли вакиллардан фойдаланиш жараёни «Россия Федерацияси Президентини сайлов тўғрисида»ги федерал қонун билан тартибга солинади. Ушбу қонуннинг 43-моддаси номзодларнинг ишончли вакиллари бағишланган бўлиб, унга қўра Президентликка номзод ишончли вакил тайинлашга ҳақли. Номзодни илгари сўрган сиёсий партия эса ўз номзодини қўллаб-қувватловчи 100 тагача ишончли вакил тайинлаш мумкин. Ишончли вакил сифатида кўрсатилган шахслар марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади. Ишончли вакил сифатида сайлов комиссияси аъзолари, давлат органлари мансабдор шахслари, ходимлари рўйхатга олинмайди. Ишончли вакил кузатувчи ваколатидан фойдалана олмайди.

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларнинг сайлов қонунчилигини ўрганиб, шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий меъёрларда сайлов кампанияси билан боғлиқ ҳар бир жиҳат алоҳида эътиборга олинган. Бу эса сайлов кампанияси иштирокчиларининг ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланиши, улар учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб берилиши, энг асосийси, сайловларни демократик тамойиллар асосида ўтишига хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРИПОВ суҳбатлашди.

Дунё

Иқлим ўзгаришлари

оролда яққолроқ сезилмоқда

Иқлим ўзгаришлари бўйича ихтисослашган Кипр институтининг тадқиқот маркази олимлари кузатувларига қараганда, дунёда ҳароратнинг глобал кўтарилиши Кипр иқлимига алоҳида таъсир кўрсатмоқда. Яъни оролда ҳаво ҳарорати дунёнинг бошқа ҳудудларига қараганда тезроқ кўтарилиб бормоқда.



Профессор Манфред Ланченинг айтишича, дунёда йиллик ҳарорат ўртача 0,8 даражага кўтарилаётган бўлса, Кипрда бу кўрсаткич 1,6 даражани ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам олимлар Кипрда денгиз сувини қайта ишлаш ва чуқуқлаштириш ҳамда фавқулодда қуруқ ва иссиқ иқлимга мослашган уйлар қуриш юзасидан қўшимча дастур ишлаб чиқиш мақсада мувофиқлигини ўқирмоқдалар.

Об-ҳаво кузатувлари тарихи шундан далolat бермоқдаки, дейлади ИТАР-ТАСС ахборотида, 1940 йилдан кейин Кипрда ёгингарчилик сезиларли даражада камаяган, яъни 1941 йилдан 1970 йилгача ўрта ҳисобда йилга 533 мм. ёмғир ёққан бўлса, 1971 йилдан 2000 йилгача бу кўрсаткич 463 мм.ни ташкил этган.

Маълумки, Кипр иқлимлик сув танқислиги бўйича Европа давлатлари орасида етакчи ҳисобланади. Бу муаммо келажакда кўнчаласи кучаядиган, асло енгиллашмайди. Негаки, об-ҳаво кузатувлари ва илмий баҳоратларга қараганда, 2021 йилдан 2050 йилгача Кипрда ёгингарчилик 6-18 фоиз, 2070 йилдан 2100 йилгача эса 20-35 фоиз камайиши кўтилади. Бу эса қўланиш эҳтимолини янада кўчайтиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, орол аҳолиси иқлимнинг глобал ўзгаришларини ҳўзирданқоқ реал сеза бошлаган.

Йўлнинг

НОСОЗЛИГИ

жавобгарликка олиб келди

Аслида йўл носоз бўлса, аниқроғи, айнан йўлнинг носозлиги боис автофалокат содир бўлса, йўлни тасарруф қилувчи ташкилот жавобгарликка тортилиши кўпгина давлатлар қонунчилигида белгиланган меъёр. Бироқ ҳамма ҳам бу меъёрга итоат этавермайди, гапини очиги, барча ҳайдовчилар ҳам ўзининг бундай ҳуқуқидан фойдаланавермайди, яъни йўл таъмирлаш-қурилиш ташкилотидан қўрилган зарарни ундиришни унутиб қўяди.



Лекин ҳаётда зарарни тўлиқ ундириб олувчилар ҳам учраб туради. «Новости» ахборот агентлиги маълум қилишича, Калининградда автомобиль ҳайдовчисининг давроси юзасидан суд иши ажрим чиқарди. Унга қўра, Светловский шаҳар округи ҳайдовчига 125 минг рубль миқдорда тоvon пули тўлади.

Гап шундаки, «Audi» соҳиби автомобилни бошқариб бораётиб, йўлдаги қўлмакка тушиб кетди ва дивигелга сув кириб, автомобилнинг электрон тизими ишдан чиқди.

У дастлаб сугурта компаниясига мурожаат этди. Компания эса тоvon пулини йўл кимнинг тасарруфида бўлса, ўшадан ундиришни маслаҳат берди. Шундан кейин ҳайдовчи шаҳар округини судга берди ва охири оқибат ютиб чиқди.



■ ҚАТАР ПОЙТАХТИ ДОҲА ШАҲРИДА ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ДАСТУРИДАН ЎРИН ОЛГАН ТАЭКВОНДО (WTF) БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН «QATAR OPEN» ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАР 10 ТА ОЛТИН, 4 ТА КУМУШ ВА 3 ТА БРОНЗА МЕДАЛИГА САЗОВОР БЎЛДИЛАР.



■ ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН АЁЛЛАР ОЛИМПИАДА ТЕРМА ЖАМОАСИ 2016 ЙИЛИ РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИ (БРАЗИЛИЯ)ДА ЎТКАЗИЛАДИГАН XXXI ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ БИРИНЧИ САРАЛАШ БОСКИЧИНИ ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ. ЎЗБЕКИСТОН – ҒАЛАСТИН-6:0.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сизнинг
иштирокингиз ва танловингиз халқимиз келажаги, Ватанимиз
истиқболида муҳим ўрин тутишини унутманг!

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ!

2015 йил 29 март, якшанба —
Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод
Хотамжон Кетмоновга овоз беринг!



ШУКРОНАЛИК

■ Наврўз байрами арафасида 80 ёшини қаршилаётган Шарифахон Содикова ўтган асрининг 70-йилларида нефть-газ конларини тадқиқ қилиш бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган биринчи ўзбек олимасидир. У Устюрт чўлларида уч йил мобайнида илмий-тадқиқот ишлари олиб борди, жиддий изланишлар натижасида 1985 йилда Оқчелак газ конига асос солинди.

Табаррук онахон билан суҳбатимиз юрт мустақиллиги, жамият равнақи, хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар ҳусусида бўлди.



Бундай хур замон бўлмаган

— Мустақиллик юртимизга бе-
қибс имкониятлар олиб келди,
тўқинчилик, файз-баракат, тинч-
лик-хотиржамлик берди,— дейди
Шарифахон Содикова. — Ёшлар-
имизга қараган, илм-фанни, санъ-
атни, спортни, қайси соҳада бўл-
масин, Ўзбекистоннинг шухратини
оламга ёймоқда.

— Ҳозирги шароитларни сиз
ўқиган давр билан таққослаб
бўлмайди, албатта...

— Таққослаш нари турсин, та-
саввур ҳам қилиб бўлмайди. Мен
ота-онамнинг ёлғиз фарзанди
эдим, Тошкентнинг «Кўштут» ма-
халласида яшаганмиз. Оёқ кийим
олишга моддий имкониятлари
йўқлиги учун мени мактабга бе-
ришмаган. Лекин ялангоёқ ҳолда
ҳам амакиларимнинг қизларига
эргашиб, Хастимондаги 23-мак-
табга ўқишга борганман. Шундан
кейин оёғимга сандал олиб бе-
ришган.

1952 йили мактабни тугатиб,
оиламизга ёрдам бериш учун энг

кўп стипендия тўлайдиган ҳозир-
ги Тошкент давлат техника универ-
ситети геология-разведка факуль-
тетига ўқишга кирганман. У ерда
бошқа институтларга нисбатан
кўпроқ — 39 сўм 50 тиийн стипен-
дия тўлашарди. Талабалар ичида
ягона қиз бола мен эдим.

— Газ конларини излаб
Устюрт чўлларида ҳам роса
кезган экансиз...

— Тўғри, шундай бўлган. 1957
йил ўқишни битириб, икки йил ге-
ология вазирлигида лаборант бўлиб
ишладим, турмушга чиқдим.
Нефть-газ илмий-тежирини инсти-
тутида ишлаб юрган кезларимда
институт директори, академик
Обид Акрамхўжаев газ конларини
излаш ва тадқиқ қилиш бўйича тур-
муш ўртоғим, ҳамкурсим Ўқтамжон
Жўраев билан мени Устюртга
жўнатди. Ўша ерда уч йил юриб,
геология-қидирув ишлари, илмий
изланишлар олиб бордик, 1969
йилда номзодлик диссертацияси-
ни ҳимоя қилдим.

— Ўтган умрингиздан мам-
нунмисиз?

— Албатта, мамнунман, айланай,
бундай хур замонлар қачон бўлган?
Ҳозир ҳар бир Ўзбекистон фуқаро-
си ўзалигини англаб етди, қадрият-
ларимиз, урф-одатларимиз ўзимиз-
га қайтди. Энг муҳими, ҳар бир одам
жамиятга нафи тегиши, мустақил-
ликни мустаҳкамлаш учун хизмат
қилиши кераклигини ҳис қиляпти.
Мен ҳам шулар сафида эканлигим-
дан ғурурланаман, мустақиллик дав-
рида қарийб 20 йил ишлаб, газ кон-
ларини топиш, шу соҳани ривожлан-
тиришга ўз ҳиссамни қўшдим. 2000
йилда пенсияга чиқдим.

— Ёшларга тилагингиз...

— Аввало, уларни ёмон кўзлар-
дан асрасин, мустақиллик миллат
учун энг буюк, энг азиз неъмат экан-
лини доимо юракдан ҳис этишин.
Ватанга муносиб фарзанд бўлиб
воёга етишин.

Нуруллоҳ ДОСТОН
ёзиб олди.

РЕКЛАМА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИ НАВРЎЗ АЙЁМИ
БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ ҲАМДА МИЛЛИЙ
ВАЛЮТАДА ЯНГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТ АМАЛГА
КИРИТИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

«НАФОСАТ»

❖ Сақлаш муддати — 3 ой.

❖ Ҳисобланган фоизлар бўнак сифатида олдиндан
ёки омонат муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олин-
маган фоизлар капитализациясиз тўланади.

❖ Қўшимча бадаллар 500 000 сўмдан кам бўлмаган
микдорда фақат нақд пул кўринишида қабул қилинади.

❖ Омонатга маблағ қабул қилиш 2015 йил 1 июнга
қадар амалга оширилади.

**ЖАМҒАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШНИ БИЗГА
ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН
ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!**

Қўшимча маълумотларни 234-14-14, 235-42-83 телефонлари орқали ёки
банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

WWW.NBU.COM

Хизматлар лицензияланган.

ТАДБИР

ҲАР САТРИ ЯШАШГА КУЧ, ҲАЁТГА ИШОНЧ БАХШ ЭТАДИ

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним та-
валлудининг юз йиллигини жойларда нишон-
лаш баҳор, Наврўз тантаналарига улашиб кет-
ди. Пойтахтимиздаги «Алоқа» музейида Ўзбе-
кистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва
маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кен-
гаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбе-
кистон — Германия» дўстлик жамияти ҳамда
Тошкент давлат шарқшунослик институти,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университе-
ти ҳамкорлигида шоира ижодида бағишланган
адабий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон хорижий мамлакатлар би-
лан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жам-
иятлари Кенгаши раиси ўринбосари Камолитдин
Ишонхўжаев очиб, йиғилишда иштирок этаётган хо-
рижий давлат элчилари, шоиранинг издошлари,

яқинлари, шогирд ва мухлисларини шеърят, баҳор,
Наврўз байрами билан қутлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбеки-
стон халқ ёзувчиси Мухаммад Али Сўзга чқиб, Кенгаш
кутубхонасига Зулфияхоним таваллудининг юз йилли-
ги муносабати билан шоиранинг ўзбек, рус ва инглиз
тилларида чоп этилган сара китобларини тақдим этди.

Зулфияхонимнинг шогирдлари — Ўзбекистонда хиз-
мат кўрсатган маданият ходими, шоира Мухтарама Улу-
ғова ва шоира Зулфия Мўминова устоз билан бирга
ишлаган, ҳамсуҳбат бўлган кунларни хотирлашди. Бар-
ча мулоқотлар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари уни-
верситети ўқитувчиси Зулфия Қосимова томонидан инг-
лиз тилига таржима қилиб борилди. Зулфияхоним шеър-
лари инглиз, корейс, рус тилларида янгради.

Ўз мухбиримиз.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359
21036
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.20
Topshirilgan vaqt — 22.20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

